

ADOLAT

O'zbekiston
«Adolat» sotsial-
demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 24 (984) • 2014-yil, 13-iyun, juma

➤ Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Президентимизнинг шу йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ташкил этилган фестивал доирасидаги тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, маънавий тарғиботчилари, театр ва кино актёрлари, халқаро танловлар, фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида муваффақият қозонган ёшлар қатнашди.



А.ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат

Буюк юрт ёшлари

Самарқандда Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди

Иқтидорини намоен этди. “Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти”, “Ёшлар ўртасида эрта никоҳ ва унинг олдини олиш”, “Интернет ва ёшлар” мавзуларидаги тарғибот тадбирларида ёшлар тенгдошлари билан баҳс-мунозараларга киришди. Булунгур тумани, Каттақўрғон ва Самарқанд шаҳарларидаги футбол стадионларида санъаткорлар, “Камолот” фаоллари ҳамда маҳаллалар ёшлари ўртасида футбол мусобақалари ташкил этилди.

Уч кун давомида вилоятдаги таълим муассасалари, маҳаллалар, харбий қисмлар, маданият ва истироҳат боғларида етмишга яқин тадбир ва лойиҳалар амалга оширилиб, уларга

ўттиз мингдан зиёд ёшлар қамраб олинди.

— Йил сайин нуфузи ортиб бораётган мазкур фестивал ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш ва ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси Фаррух Камолов. — Бу тадбирлар ёшларни “оммавий маданият” таъсиридан асраш, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садодат руҳида тарбиялаш, иқти-

дорли ва истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш каби эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Шу боис фестивал доирасидаги танлов ва учрашувлар, давра суҳбатлари ёшларнинг фаол иштирокида ўтди, бир қатор таклиф, ғоя ва ташаббуслар илгари сурилди. Қўллаб-қувватлов эгалари кашф этилди.

Фестивалнинг якуний тадбири Самарқанд шаҳридаги “Муъжиза” амфитеатрида ўтказилиб, унда “Конституция биландони”, “Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси”, “Энг яхши маънавий тарғиботчиси”, “Энг намунали илм-фан тарғиботчиси”, “Ёшлар билан ишлашда энг фаол туман (шаҳар) ҳокими”,

“Энг намунали тарғиботчи етакчи” каби номинациялар бўйича ғолиблар рағбатлантирилди.

— Бугун биз, ёшларга яратиб берилётган шароит ва имкониятларга дунё ёшлари ҳавас қилмоқда, — дейди Пайриқ тиббиёт коллежи ўқувчиси Дилафрўз Файзуллаева. — Кечагина коллежни битирган тенгдошимнинг бугун тикувчилик цеҳи очгани ёки ўнлаб ёшларни иш билан таъминлаётгани оддий ҳолга айланди. Бу — ёшлар ташаббусини, иқтидорини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилётган изчил ишларнинг амалий самарасидир.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан 2014 йил 16-18 июнь кунлари Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ илк давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Олий даражадаги учрашув ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги кўпқиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда уни янада кенгайтиришнинг узоқ истиқболга мўлжалланган устувор йўналишлари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Ташриф якуни бўйича давлат раҳбарлари томонидан Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш ҳақидаги қўшма декларация қабул қилиниши, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустақам асос бўладиган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Конференциядан олинган хулосалар

олдимизга муҳим
вазифалар қўймоқда

➤ Муносабат

Аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш дунёнинг исталган давлати учун энг мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон олдида ҳам глобал муаммолардан бири бўлган озиқ-овқат мустақиллигига эришиш ҳамда унинг хавфсизлигини таъминлаш масаласини ҳал этишдек ҳаётий вазифа кўндаланг турарди. Шу боис, Президентимиз раҳнамолигида мазкур масалани ижобий ҳал этиш, аҳолини етарли миқдорда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида бир қатор фармон ва қарорлар, давлат дастурлари қабул қилиниб ҳамда уларнинг изчил ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Соҳада оқилона сиёсат юритилаётгани боис бугунги кунда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш баробарида озиқ-овқат муаммоси тўла ҳал этилди, дейишимизга асослар бор.

2 ➤

Сайловларга ҳозирлик бугундан бошланади

➤ Минтақавий семинар

Бугун давр олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда. Конституцияимизнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг родини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилга айланмоғи зарур, деб таъкидлади.

4 ➤

Профилактика —

ҳуқуқбузарликнинг
олдини олиш

➤ Депутат минбари

Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирликлар ва идоралар, жамоат бирлашмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, жамоат тартибини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

3 ➤



Давлат бюджети ижроси кўриб чиқилди

➤ Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижросининг 2013 йил ҳамда 2014 йил I-чора якунилари тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилди.

Қўйи палата депутатлари, бир қатор мутасадди вазирликлар, идора ва ташкилотларнинг масъул раҳбар ходимлари иштирок этган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаевнинг ҳисоботи тингланди.



2 ➤

Ҳудудий дастурлар ижроси

ваколатлардан самарали
фойдаланишга ундайди

➤ Депутатлик гуруҳларида

Даставвал шуни таъкидлаш лозимки, депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қарорлар, давлат дастурлари ижроси устидан назоратчилик родини кучайтириш Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши ва жойлардаги партия кенгашларининг муҳокамалари марказидаги долзарб масалага айланган. Шунга кўра жорий йилнинг I-чораги натижалари бўйича Сиёсий Кенгаш томонидан ўтказилган ўрганишлар ва қиёсий таҳлиллар асосида партиянинг Самарқанд вилояти Кенгашидаги депутатлик гуруҳи фаолияти ижобий баҳоланди.

Хўш, бу қиёсий натижа нимадан далолат бермоқда? Депутатлик гуруҳининг ютуғи қайси масалаларни кун тартибига олиб чиқиш ёки ҳал этишда яққол намоён бўлмоқда? Гуруҳ аъзолари ҳокимиятнинг вакиллик органи доирасида партиянинг сиёсий позициясини, электрат ва сайловчилар манфаатларини ифода этиб муҳим натижаларга эришяптими?

Мухбиримиз шу каби саволлар билан “Адолат” СДПнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Шўхрат Жамоловга мурожаат қилди:

3 ➤

Давлат бюджетети ижроси кўриб чиқилди

Давоми. Бошқ 1-бетда

Таъкидланганидек, 2013 йилги иқтисодий дастурларнинг энг муҳим устувор вазифалари тизимли равишда амалга оширилиши натижасида ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш таъминланди.

2013 йил якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 8 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,8 фоизни ҳамда чакана савдо айланмаси ҳажмининг ўсиши 14,8 фоизни ташкил этди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлари доирасида сақлаб қолинди, яъни 6,8 фоиздан ошмади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари ҳисобот давридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси муҳокамада социал-демократик ғояларга таянган ҳолда асосий эътиборни ижтимоий соҳаларда амалга оширилган ишларга қаратдилар.

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар Давлат бюджети ҳаражатларининг 58,7 фоизини ташкил этди.

Хусусан, Ўзбекистон "Адолат" СДП сайловдиги дастуридан ўрин олган соғлиқни сақлаш секторини ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишларига 3 709,9 млрд. сўм ёки ижтимоий соҳага ажратилган маблағларнинг 24,5 фоизи миқдорда маблағ йўналтирилгани қувонарли ҳол бўлиб, бу аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш имконини беради.

Ушбу соҳаларга ажратилган бюджет маблағларининг ижросини муҳокама қилиш жараёнида "Адолат" СДП дастурий ғояларидан келиб чиқиб, соғлиқни сақлаш муассасаларини замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлашга қаратилган эътибор баробарида касалликларнинг профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни кучайтиришга йўналтирилган маблағлар фракция аъзолари диққат марказида бўлди.

2013 йилда профилактика хизматларига 1 075,9 млрд. сўм, яъни соҳага ажратилган маблағларнинг 29,0 фоизи, 2014 йилнинг биринчи чора-ғида эса 32,1 фоизи йўналтирилгани эътироф этиш ба-



робарида депутатлар ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидладилар.

Шунингдек, 2013 йилда ижтимоий соҳа ҳаражатларининг асосий қисмини (58,1 фоиз) ташкил этган таълим муассасалари таъминоти ва уларни ривожлантириш ҳаражатларига Давлат бюджетидан 8 803,2 млрд. сўм маблағ ажратилди. Фракция аъзолари ушбу соҳага йўналтирилган маблағлар ижросини муҳокама қилиш асосида таълим муассасаларини замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш учун йўналтирилган маблағлар билан бир қаторда, ўз сайлов округларидаги амалий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаларидаги тиббий хизмат хоналарининг керакли тиббий воситалар ва бирламчи дори-дармонлар, малакали мутахассислар билан таъминланиши, болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун йўналтирилган маблағларнинг мақсадли ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратишди. Зеро, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида ҳам ушбу йўналишда аниқ мақсадли устувор вазифалар белгилаб қўйилганлиги қайд этилди.

Фракция аъзолари таълим соҳасига йўналтирилган маблағлар ижросини муҳокама этиш чоғида, шунингдек, партия дастурий ғояларидан келиб чиқиб, илм-фанни ривожлантиришнинг қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар.

Хусусан, илм-фанни ривожлантиришга 2013 йилда 164,7 млрд. сўм миқдорда маблағ ажратилган бўлиб, шундан 100,1 млрд. сўм тармоқлар бўйича давлат илмий-техникавий дастурларнинг устувор соҳаларини молиялаштиришга, 17,3 млрд. сўм инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга, 37 млрд. сўм ноб объек-

лар ва фанга хизмат кўрсатувчи муассасаларни сақлаш ҳаражатларига ва қолган 10,3 млрд. сўм илм-фанни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа ҳаражатларга йўналтирилган. Шундан келиб чиқиб, депутатлар илм-фанни ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада ривожлантиришда, иқтисодиётни модернизация қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашда муҳим аҳамият касб этишини эътироф этдилар.

Шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган жисмонан соғлом, маънан етук, баркамол авлодни тарбиялашга оид чора-тадбирларни фаоллик билан амалга ошириш ишларини молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 1 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилганлиги қайд этилди.



Шу билан бирга, ушбу даврда ахборот-коммуникация технологиялари негизида янги хизмат турларининг жорий этилиши ва янада ривожлантирилиши, АТСни рақамлаштириш даражасининг оширилиши, мобил ва интернет алоқаси хизматларидан фойдаланаётган абонентлар сонининг кўпайиши алоқа ва ахбо-


ротлаштириш хизматлари ҳажмининг 23 фоизга, компьютерли дастурлаш хизматлари ҳажмининг 16,8 фоизга ошишини таъминлаганлиги Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурий ғояларининг ҳаётда ўз ифодасини топаётганлигидан далолат эканлиги депутатлар томонидан эътироф этилди.

Муҳокама қилинган жараёнида фракция аъзолари яқинда сайлов округларида олиб борган фаолиятлари давомида Давлат бюджетидан соҳаларга ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши борасида аниқланган камчиликлар ҳамда фуқаролардан тушган мурожаатлар асосида тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддиларига ўз савол ва таклифларини йўллаганларини маълум қилдилар. Хусусан, депутатлар томонидан жойларда мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, уларни зарур тиббий жиҳозлар ва бирламчи дори-дармонлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида айрим камчиликлар мавжудлиги, қолаверса, ички йўллари таъмирлаш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, коммунал соҳадаги муаммолар юзасидан фуқаролардан мурожаатлар келиб тушаётгани таъкидланиб, ушбу масалаларни бартараф қилиш юзасидан мутасадди вазирликларнинг масъул ходимларига аниқ таклиф ва тавсиялар берилди.

Кизгин муҳокамадан сўнг фракция аъзолари Ўзбекистон «Адолат» СДП позиция-

си нуқтаи-назаридан келиб чиқиб ўз таклиф ва тавсияларини билдирдилар ҳамда 2013 йилдаги ва 2014 йил 1-чора-ғидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижросини тасдиқладилар.

Илҳос САХАТОВ,
«Адолат» мухбири



Конференциядан олинган хулосалар

олдимизга муҳим вазифалар қўймоқда

Давоми. Бошқ 1-бетда

Ушбу жиҳатлар 5-6 июнь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференция давомида яна бир бор намоён бўлди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида билдирилган фикр ва таклифлар конференцияда иштирок этган нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар ҳукуматлари вакиллари ва экспертларнинг эътирофига сазовор бўлди.

«Анжуманда иштирокчилар Ўзбекистонда сабзавот, мева ва узум етиштириш бўйича тўпланган катта тажриба ва салоҳият билан, уларнинг дунё селекциясида ўхшаши бўлмаган жуда бой, хилма-хил навлар, бетақор сифати билан таъминлаш борасида, озик-овқат соҳасидаги мавжуд муаммоларни ечишда ва глобал озик-овқат дастурини ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистоннинг қўшаётган ҳиссасини ошириш имкониятларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Мамлакатимиз иқлим шароитининг беҳисоб имкониятлари, олимларимиз томонидан мева ва сабзавотларнинг янги ва истиқболли навларини яратиш борасида олиб борилаётган изланишлар, қишлоқ хўжалигида кимёвий воситалардан эмас, балки органик ўғитлардан фойдаланилаётгани ва бошқа агротехник тадбирлар натижасида етиштирилаётган мева ва сабзавот маҳсулотларининг

таъми, мазаси такрорланмаслиги ва юқори сифати билан жаҳон бозоридан хариддорлар эканлиги борасида Президентимиз фикрлари бизни яна бир қарра фахрлантирди.

Дунё миқёсида озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжларининг кўпайишидан ортада қолаётгани соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг қўлама кенглигидан далолатдир. Шу боис конференция доирасида кўрилган масалалар юзасидан йўлга қўйилиши мўлжалланган алоқалар, тажриба алмашинуви, амалий тавсиялар анжуманининг барча иштирокчилари учун жуда фойдали бўлди. Энг муҳими, халқаро экспертлар юртимизнинг табиий, экологик, тоза мева-сабзавот ва озик-овқат маҳсулотлари сифатини эътироф этишди, уларнинг мамлакатимизга бўлган қизиқиши янада ортди. Бу ўз навбатида, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга, иқтисодиётимизни янада юксалтиришда муҳим ўрин тутди.

Айниқса, Президентимизнинг аграр соҳага илғор агро-саноат технологияларини жалб этиш, қишлоқ хўжалиги инфра-тузилмаси, ирригация ва мелiorация тизимларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш, маркетинг ва жаҳон бозорларига чиқиш бўйича янги технологияларни жорий қилиш зарурати ва бунда хорижий инвестицияларнинг тугган ўрни ҳақидаги мулоҳазалари эътиборга молиқдир. Қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳат-

дан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг устувор вазифаларидан ҳисобланар экан, биз бу борадаги ислохотларни қўллаб-қувватлашда давом эта-

миш. Шу ўринда конференцияда Президентимиз томонидан кўтарилган масалалар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар зиммасига ҳам муайян вазифалар юклашини таъкидламоқчиман. Яъни, олдимизда соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, бу борада ишлаб чиқилган давлат дастурлари ижроси ва соҳага йўналтирилаётган Давлат бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан парламент назоратини ўрнатish каби вазифалар турибди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг «2013-2017 йиллар даврида сўғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастурининг баҳарлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида»ги ахбороти юзасидан эшитув ўтказиш белгиланганлиги, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни атрофлича таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Алишер АКРАМОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Болалар Ватан тарихини ўрганишмоқда

➤ 2014 йил — Соғлом бола йили

Шу кунларда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди яна бир хайрилик ишга бош бўлди. Фонд ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари ҳамда Андижон ва Сирдарё вилоятларидаги «Болалар шаҳарчалари» тарбияланувчилари учун қадимий шаҳар — Бухорога саёҳат уюштирди.

Болажонларнинг таътил кунларини янада мазмунли ва мароқли ўтказиш, уларда Ватанга бўлган муҳаббат ва миллий гурур туйғусини шакллантириш, буюк болаларимиздан қолган меросларни асраб-авайлашга ўргатиш мақсадида ташкил этилган мазкур саёҳатда жами 50 нафар болалар Лаби-Ховуз, Баҳоуддин Нақшбанд, Ситораи Моҳи Хоса, Исмоил Сомоний мақбараси, Пои Калон, Минорай Калон ансамбли сингари тарихий қадимжоларга ташриф бурди.

— Бир қанча осори атиқаларни янада қўлиб завқландик, буюк болаларимизнинг номи билан аталадиган мақбара, мадрасаларни кўриб, уларнинг қандай ишлар билан шуғуллангани билан танишиб, шундай улғу миллат авлоди эканимдан фахрландим, — дейди пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Жамшид Қаюмов. — Айниқса, менда катта таъсурут қолдирган, ҳар томонлама мукамал ва чиройли барпо этилган мезморий обида — Исмоил Сомоний мақбараси

Ўрта Осиё мезморлиги ва санъати тарихидаги дастлабки мақбаралардан эканлигини эшитиб, ўша вақтлардаги сўғди курувчиларининг салоҳияти нақадар юксак бўлганлигидан ҳайратландим.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида йил давомида бу каби саёҳатлар бир неча бор ташкиллаштирилди, — дейди фонднинг Ташкилий-услубий бўлими бош мутахассиси Аббосжон Эргашев. — Хусусан, 2014 йил январь ва апрель ойларида Тошкент шаҳри ва вилоятдаги Меҳрибонлик уйларида жами 100 нафар тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг 50 нафар фарзандлари учун Самарқанд шаҳрига саёҳатлар уюштирилди. Бу каби саёҳатларни амалга оширишда бепул темир йўл чипталарини ажратиб берган «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг хизмати катта эканини таъкидлашдан бўлмайди.

Фонд вакилининг маълумот беришича, 2014 йил 6 ойла-



рида эса ижтимоий муҳофазага муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда таътил кунлари мароқли ўтишини ташкил этиш мақсадида, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонасининг грант маблағлари доирасида жами 350 нафардан ортиқ Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва ижтимоий химояга муҳтож оила фарзандлари Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги «Оҳалик» оромгоҳи ва Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги «Конструктор» оромгоҳларига жалб этилиши режалаштирилган.

Саодат СОДИҚОВА

Халқаро конференция иштирокчиси билан учрашув

Маълумки, жорий йилнинг 5-6 июнь кунлари пойтахтимизда Президентимиз ташаббуси билан «Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро анжуман ўтказилди, унда қатор ривожланган давлатлардан олимлар, экспертлар ҳамда йирик инвесторлар, шунингдек, нуфузли халқаро институтлар, йирик банк-молия ташкилотларидан вакиллар иштирок этди.

Эътиборли томони шундаки, анжуман катнашчилари республикамиздаги қатор ташкилотларда бўлиб, юртимиз иқтисодиёти, хусусан, агросаноат тармогини ривожлантиришда амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан танишдилар. Жумладан, «Агробанк» ОАТБ Марказий аппаратида ташкил этилган давра суҳбати Вашингтон университетининг Кичик фермер хўжаликлари иқтисодиётини ривожлантириш департаменти директори, доктор Лаура Леус хоним иштирокида бўлиб ўтди.

Тадбирда «Агробанк» ОАТБ бошқаруви раҳбар ходимлари,

ёш мутахассислар катнашиб, унда Президентимиз раҳнамоллигида халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, бозор иқтисодиётини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги тармогини янада ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини тақомиллаштириш, аҳолининг озик-овқатга бўлган талабини яхшилаш, шунингдек, банк-молия тизимида олиб борилаётган кенг қўламадаги чора-тадбирлар хусусида тўхталиб ўтилди.

— Мен юртингизда биринчи марта бўлиб турибман, — деди Лаура Леус хоним. — Ўзбекистонда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларидан фақат омма-

вий ахборот воситалари орқали бохабар бўлардим. Бугунги кунда мамлакатингизнинг барча тармоқлари жадал ривожланиб бораётганини халқаро экспертлар ҳам ижобий баҳоламоқда. Айниқса, ёшларга берилаётган эътибор барчанинг диққатини тортмоқда. Банкингиздаги ёш мутахассисларнинг инглиз тилида бемаълум суҳбатга киришиши уларнинг ақл-заковати ва тиришқоқлигидан дарак бериб турибди. Анжуман доирасида юртингизнинг диққатга сазовор жойларида бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тез тараққий этаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу борада мамлакатингиз банкларининг фаоллиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Тадбирда Лаура Леус хоним банк ходимларини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда хориз тажрибаси билан яқиндан таништириб, уларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берди.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ

Сайловларга ҳозирлик бугундан бошланади

Давоми. Бош 1-бетда

Демак, сиёсий ўқувлар тизимини янгилаш, сифат жиҳатдан кучайтириш, ўқув-семинарлар самарадорлигини янада ошириш борасида ишларимизни кучайтиришимиз керак.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳудудий партия кенгашлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида "Сиёсий жараёнларда Ўзбекистон "Адолат" СДП позицияларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари" мавзuida минтақавий семинарлар ўтказилмоқда. Ушбу семинарларнинг навбатдагилари Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоят кенгашлари фаоллари учун Бухоро шаҳрида, Самарқанд, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари учун Самарқанд шаҳрида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти фаоллари учун Нукус шаҳрида ташкил этилди. Уларда барча ҳудудий партия кенгашлари раислари, ўринбосарлари ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг ҳудудий бўлиmlлари вакиллари иштирок этишди.

Ушбу семинарлардан кўзланган асосий мақсад сиёсий модернизация жараёнида Ўзбекистон "Адолат" СДП марказий ва ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, жамиятда партия позицияларини мустаҳкамлаш, бўлажак ҳисобот сайлов кампанияси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг ҳудудий бўлиmlлари вакиллари иштирок этишди.

Шунингдек, семинар давомида давлат ҳокимияти вакиллик органларида партия позициясини ифодалаш ва амалга ошириш борасида ҳудудий партия ташкилоти тажрибаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига масала тайёрлаш ва киритиш амалиёти, ишончли вакил ва кузатувчилар ишини ташкил этиш тартиби, сайлов жараёнида қўлланилган сиёсий технологиялар, партиялараро



рақобат шароитида номзодларни тайёрлаш амалиёти, сайлов кампаниясини ташкил этиш усуллари (миллий қонунчилик) ва номзодларни тайёрлаш масалалари кўриб чиқилди.

Номзоднинг сайловолди дастурини тайёрлаш ва тарғиб қилиш усуллари, сайлов штабларини ташкил этиш, улар фаолиятини режалаштириш, вилоят, туман ва шаҳарларда партия мафқурасини тарғиб қилиш шакл ва усуллари юзасидан мутахассисларнинг маърузалари тингланиб, ўзаро фикр-мулоҳаза алмашилди.

Сурайё Мансурова, Навоий вилояти партия кенгаши раиси ўринбосари:

— Семинарда жорий йил иккинчи ярмидан вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотларининг жойлардаги фаолияти ва депутатлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, партия позициясини ва мафқурасини аҳоли орасида тарғиб қилиш, бошқа партиялардан аниқ фарқларини кўрсата олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва ўзаро тажриба алмашди.

Унда партиянинг Бухоро вилояти кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигида партиянинг Сайловолди дастурининг тиббиёт соҳаси йўналиши доирасида ишлаб чиқилган «Шаҳар ва қишлоқда бир хил шароит» лойиҳаси асосида амалга оширилган ишлар ва илгари сурилган таклифлар билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлди. Лойиҳа доирасида Жондор ва Ромитон туманларидаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида тиббиёт хоналарининг зарур тиббий жиҳозлар ва дори-дармонлар билан таъминланганлик даражаси,

болаларга тиббий хизмат кўрсатувчи мутахассисларнинг малака даражалари ўрганилиб, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тайёрланган таклифлар маҳаллий Кенгаш сессияси даирасида тўғридан тўғри қилиб кўриб чиқилди.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, партиянинг позицияси, дастурий ҳужжатларнинг бошқа сиёсий рақобатчиларимиз гоёларидан аниқ фарқини очиб беришда шунчаки тарғибот тадбирларининг ўзи кифоя қилмайди. Асосий сиёсий партияларимизга мос амалий ишларимиз билан сайловчиларнинг кўнглига йўл топишимиз, ишончини қозонишимиз ва албатта, партиянинг позицияси ҳақида аниқ тушунча ҳосил қила олишга эришмоғимиз керак. Бу жараёнда барча ташкилий-партиявий ишларимиз кўйидан юқорига йўналтирилмоғи, яъни, аҳолини қий-

ришимиз керак бўлган ишлар талайгина.

Нурлибай Қайбергенов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Мазкур семинар олдимизда турган ҳисобот-сайлов кампанияси ва ундан сўнг вакиллик органларига бўладиган сайловларга тайёргарлик кўриш, бу борадаги ташкилий ишларни маслаҳатлашиб олиш, сайлов кампанияси даврида сиёсий партияларга қўйиладиган талаблар ва бу борадаги миллий қонунчилик ҳақидаги билимларимизни мустаҳкамлаб олиш имконини берди. Қолаверса, олдинги сайловларда ортирилган тажриба ва йўл қўйилган камчиликларни яна бир бор таҳлил этиш, олинган хулосалар асосида бўлгуси сайловларга пухта ҳозирлик кўриш юзасидан ўзаро тажриба алмашдик.

Хусусан, номзодларнинг сайловолди дастурини тайёрлаш, имижни шакллантириш,


... семинардан кўзланган асосий мақсад сиёсий модернизация жараёнида Ўзбекистон "Адолат" СДП марказий ва ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, жамиятда партия позицияларини мустаҳкамлаш, бўлажак ҳисобот сайлов кампанияси ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларида бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда сайловларда партиянинг муносиб иштирокини таъминлашдир.

наётган муайян муаммо ёки масалалар бошланғич партия ташкилотлари томонидан ўрганилиши, уларни бартараф этиш юзасидан маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларига таклифлар берилиши мумкин. Бу борада қилинган бажа-

сайлов кампанияси давридаги тарғибот тадбирларини ўтказишда замонавий сайлов технологиялари, ахборот коммуникация воситаларидан, барча сиёсий партиялар учун ОАВда бериладиган тенг имкониятлардан, партия наشري

Тадбир
Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилояти кенгаши ташаббуси билан Чортоқ шаҳридаги маданият ва дам олиш масканида "Ёшлар — бугунги ва эртанги кунимизнинг халқ қилувчи кучи" мавзuida фестивал ўтказилди. Тадбирни ташкил этишда Чортоқ туман ҳокимлиги, вилоят маданият ва спорт ишлари ҳамда ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари, Ўзбекистон Бадий академиясининг вилоят бўлими билан ҳамкорлик йўлига қўйилди.

Фестиваль ёшларни замон билан ҳамнафас бўлишга чорлади



— Биз ўз олдимизга нафақат уюшган ёшлар, балки кўпинча эътибордан четда қоладиган қатлам билан ишларни ҳам вазифа қилиб қўйганмиз, — дейди "Адолат" СДП вилоят кенгаши фаоли Дилшод Болтабоев. — Масалан, мазкур тадбирга касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг юқори босқичлари ўқувчилари қатори барча шаҳар ва туманлардан тарбияси оғир ўсмирлар жалб этилди. Фестиваль доирасида энг аввало, бугунги кунда ёшларни қизиқтираётган долзарб масалалар бўйича суҳбатлар уюштирилди. Йигит-қизларнинг жамиятдаги сиёсий фаоллигини ошириш, улар ўрта-маънавий маънавий му-

— менинг нигоҳимда" кўриқ-фанлови ўтказилди. Унда расқанлово, хайкалтарошлар, халқ амалий санъати усталари ўз асарлари билан иштирок этидилар.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилояти кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Олимжон Мақсудов партиянинг Сайловолди дастурида ёшлар билан ишлашга катта эътибор берилганини, бу борада амалга оширилган тадбирлар мамлакатимизда баркамол авлодини тарбиялаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга ҳамроҳлигини таъкидлади.

Тадбирнинг бадий қисми ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Бунда "Ватанин манзиллари — менинг нигоҳимда" кўриқ-танловига тақдим этилган асарлар кўздан кечирилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Наманган вилояти кенгаши матбуот хизмати

Моҳир педагог, жонкуяр сафдош

"Адолат"нинг адолатли аёллари

Ўз сафларидаги аъзолар сонининг катта қисмини хотин-қизлар ташкил этаётган Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилояти кенгаши партия дастури ва гоёларидан келиб чиқиб, жамиятда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, юртимизда кечаётган кенг қамровли ислохотлардаги иштирокини кучайтириш, ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини мустаҳкамлаш, уларни муносиб иш ўринлари билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасида самарали ишларни амалга оширмоқда. Зеро, бу аёлларнинг кўпчилиги нафақат уй бекаси, балки оила юмушлари, турмуш ташвишларидан ортиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини тўғри онглаган, сиёсий жараёнларда дадил қатнашаётган улкан салоҳият ва иқтидорга эга муҳтарам аёллардир. Бундай меҳрибон ва мунис аёллар сафида Янгиер шаҳар академик лицей ўқитувачиси, Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси Мамлакат Латипова ҳам бор.



Зеро, юрт қамолоти фарзандларимиз қамолоти, бахту саодати, оилаларимиз хотиржамлиги муҳасам.

Бугунги кунда Мамлакат Латипова фаолият кўрсатаётган Янгиер шаҳридаги мазкур академик лицейга ташриф буюрсангиз, унинг ўқув жараёнидаги тақомиллаштиришга йўналтирилган илмий ва амалий ишларини кўриб ҳавасингиз келади. Дарвозадан киришингиз биланок буюк сиймоларимизнинг тасвири ва таржимаи ҳоли туширилиб, ҳикматли сўзлари қайд этилган ранг-баранг баннерларни кўриб дилнингиз яйрайди. Ўқув хоналарининг ҳозирги замон талабларига мос равишда жиҳозланиши, кўргазмали қурол-

лар ва керакли адабиётлар билан таъминланганлигида ҳам тиниб-тинчимас бу сафдошимизнинг хизмати бор. Сирдарё вилояти партия кенгашининг "Аёллар қаноти" сафида партиявий ишларга қанот бағишлаётган маънавияти юксак, илми ўткир, ўқувчиларга меҳрибон, уларнинг келажаги учун қайғурадиган бу аёлдан ўрганилган нарсаларимиз кўп. Халқ таълими аълочиси, бир нечта илмий китоб ва қўлланмалар муаллифи, олий тоифали ўқитувчи Мамлакат Латипова ана шундай оқила аёл, илмуфан фидойисидир.

Янгиерлик ёшлар моҳир педагог Мамлакат Латипованинг номини ўзгача эҳтиром билан тилга олишди. Унинг илмий

тадқиқотлари нафақат Сирдарё вилояти, балки республика миқёсида танилган адабиётшунос олимлар томонидан ҳам муносиб баҳолаб келинмоқда. Узоқ йиллардан бўён илмий изланишлар олиб бораётган партиядошимиз бир қатор услубий қўлланмалар, тўпламлар билан бирга "Атамалар тилсини", "Тил бойлиги" илмий китобларини ҳам яратди. Устознинг қадимий ўзбек тили, аждоқларимиз меросига бўлган чексиз эҳтирсизлиги муносиб баҳолаб келинмоқда. Бундай сафдошларимизнинг қўлаб-қувватлаши ва амалий саъй-ҳаракатлари билан партиянинг обрў-эътибори ортиб бормоқда.

Қаҳрамонимиз партиянинг дастурий гоёларини тарғиб этиш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ҳам фаол. «Соғлом бола йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида мамлакатимизни тараққий эттириш билан боғлиқ кўплаб масалалар қатори фуқароларнинг тиббий маданиятини ошириш, оналик ва болаликнинг муҳофаза қилиш каби устувор вазифалар ҳам ўрин олди. Партия бу вазифалар ижроси йўлида ўзининг ижтимоий шериклари — Хотин-қизлар кўмитаси, Қасаба уюмлари федерацияси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Соғлом авлод учун» халқаро хай-

рийнинг газаларига басталанган кўшиқларини бош тебратиб эшитамиз-у маъносини тўла тушунмаймиз...

Демак, ўзбек тилининг бой меросини ўрганиш учун кўп ишлар қилишимиз керак. Зеро, Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурида таълим соҳасида аҳамиятга молик муҳим вазифаларни амалга ошириш белгиланган. Бу устувор вазифаларнинг бири фундаментал илм-фанни ривожлантиришни тўпламлар билан бирга "Атамалар тилсини", "Тил бойлиги" илмий китобларини ҳам яратди. Устознинг қадимий ўзбек тили, аждоқларимиз меросига бўлган чексиз эҳтирсизлиги муносиб баҳолаб келинмоқда. Бундай сафдошларимизнинг қўлаб-қувватлаши ва амалий саъй-ҳаракатлари билан партиянинг обрў-эътибори ортиб бормоқда.

Қаҳрамонимиз партиянинг дастурий гоёларини тарғиб этиш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ҳам фаол. «Соғлом бола йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида мамлакатимизни тараққий эттириш билан боғлиқ кўплаб масалалар қатори фуқароларнинг тиббий маданиятини ошириш, оналик ва болаликнинг муҳофаза қилиш каби устувор вазифалар ҳам ўрин олди. Партия бу вазифалар ижроси йўлида ўзининг ижтимоий шериклари — Хотин-қизлар кўмитаси, Қасаба уюмлари федерацияси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Соғлом авлод учун» халқаро хай-

рия жағфармаси, «Қамолот» ЕИХ, Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси сингари ўнлаб ташкилотлар билан биргаликда қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Ана шу тадбирларга Мамлакат Латипова доим бош-қош. Айниқса, йил дастури ва бугунги куннинг долзарб масалаларидан келиб чиқиб, унинг ташаббуси билан маҳаллаларда ва жамоат ташкилотларида «Замонавий фаол аёллар — обод турмуш яратувчилари», «Соғлом она ва соғлом бола — жамият пойдевори», «Оилада соғлом турмуш тарзини яратиш — қомил инсонни шакллантиришнинг муҳим омил» мавзuida ўтказилган давра суҳбатлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш — обод ва фаровон турмушни таъминлашнинг муҳим омил» мавзuida ўтказилган илмий семинар ҳамда партия аёллари сиёсий фаоллигини оширишнинг ташкилий-техник масалаларига бағишланган икки кунлик сиёсий ўқув ҳам ҳар жиҳатдан самарали бўлди. Кенг қамровли мазкур тадбирлар партия аъзоларининг салоҳиятини кучайтириш, уларни янада жиғлаштириш билан бирга фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ноҳира ДўСТМАТОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Янгиер шаҳар кенгаши раиси

Ҳудудий партия ташкилотларида

Фаоллик

ташкилий ишларда қўл келмоқда

➤ БПТ — партия таянчи

Янгиқўрган туманидаги "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдужамид Муродиллаевнинг айтишича, маҳаллада икки ярим минг нафардан зиёд аҳоли яшаркан. Раис қатор соҳаларда эришилаётган ютуқлар ҳақида сўзлаб берди. Айниқса, ҳудудда ҳамжиҳатлик ва осойишталикни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга атрафлича тўхтади. Жумладан, кейинги икки йил мобайнида маҳаллада биронта жиноят ёки қонун бузилиши рўй бермаган. Бунда партиядошимиз, раиснинг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Ўқтамхон Муборақовнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлади.



БПТ аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш доимий эътиборда. Ўтган йили партия ғоялари ижросига қаратилган ўндан ортиқ мавзуда сиёсий ўқувлар ўтказилди. Жорий йилда эса бу масалага янада катта эътибор берилаяпти. Масалан, яқинда кучга кирган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва бу борада олдимишда турган вазибаларни белгилаб олиш мақсадида сиёсий ўқувлар ташкил этди. Мазкур ўқувларга депутатлар, ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари фаолларининг қатнашиши унинг таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилди.

БПТ фаоллари айна кунларда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга партиянинг дастур ва вазибаларини чуқурроқ сингдириш ҳамда партия сафига кенгроқ жалб этишга эътибор қаратишмоқда. — Мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қарор топтиришга қаратилган ислохотлар зиммамизга катта вазибаларни юкламоқда. — дейди БПТ аъзоси Саидрахим Хамроҳўжаев. — Аввало, ҳар биримиз сиёсий-ҳуқуқий маданиятимизни юксалтириб боришимиз керак. Маҳалламиздаги бошланғич ташкилот нафақат партия аъзолари, балки ҳар бир киши учун фойдали тадбирларни ташкил этиб келмоқда. Қувонарли жиҳати, мазкур тадбирларда маҳалла аҳли фаол иштирок этишга интилади. Бу, албатта, одамларимизда ислохотлар тақдирига дахлдорлик туйғуси мустаҳкамла-

ниб бораётганидан далолат беради. Маҳалла фуқаролар йиғинидаги бошланғич партия ташкилотининг Икболлой Нишонова, Абдулло Латипов, Хабибулла Дадахўжаев ва Юсуфбек Муборақов каби аъзолари ҳам ташкилий-партиявий ишларда жонбозлик кўрсатмоқдалар. — Маҳалла фуқаролар йиғинидаги бошланғич партия ташкилотининг фаолият бошлаганига эндигина бир йилдан ошди, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Янгиқўрган туман кенгаши раиси Дилафрўз Тўхтаинова. — Қисқа муддат ичида бу ерда аҳиллик ва уюшқоқлик қарор топганидан беҳад хурсандимиз. Айниқса, ҳамкор ташкилотлар билан алоқалар мустаҳкамланаётгани эътиборга молиқдир. Бу эса хайрихоҳларимиз сафи кенгайишига хизмат қилмоқда.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, "Адолат" муҳбири

Ўзбекистон «Адолат» СДП хабарлари

Қарши шаҳрида Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилояти кенгаши ташаббуси билан бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди. Унда бошланғич ташкилотлар билан ишлашнинг янги йўналишларини жорий этиш, етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш билан боғлиқ масалалар атрафлича муҳокама этилди.

— Ҳар бир сиёсий партия одамлар ичига кириб бориши, дастурий мақсадларини тарғиб қилиши, электротатни ўйлантираётган масалаларни изчил ўрганиши, уларни ҳал этиш бўйича муқобил таклифлар бериши лозим, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилояти кенгаши "Ёш адолатчилар" қаноти раиси Бехруз Муродов. — Буни амалга оширишда бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутди. Биз ҳар бир бошланғич ташкилот билан алоҳида ишлаш, аъзоларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга ҳаракат қилиялмиз. Партиянинг Қарши шаҳри, Муборақ, Косон, Қасби туманлари кенгашлари бошланғич партия ташкилотлари ишини такомиллаштиришда алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Бу эса мавжуд ижтимоий масалаларни чуқур ўрганиш, уларнинг ечимини юзасидан партия гуруҳлари билан тизимли ҳамкорлик ўрнатиш имконини бермоқда. Бугунги семинар-тренинг бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашиш, шу орқали бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш имконини беради, деб ўйлайман. Семинар-тренинг якунида илгор тажрибаларни омаллаштириш юзасидан тавсиялар берилди.

Комил САХАТОВ

Соғлом турмуш тарзига амал қилиш учун инсон қандай бўлмоғи лозим? Мана шу саволларга жавоб бериш мақсадида Қува туманида Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилояти кенгаши ва туман партия кенгаши томонидан фаоллар, туман қишлоқ врачлик пунктлари шифокорлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари иштирокида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, қишлоқ врачлик пунктларининг маҳалла фуқаролар йиғинлари билан саморали ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилояти кенгаши раисининг биринчи ўринбосари З.Исламбековнинг туманда амалга оширилган ишлар таҳлили, келгуси режа ва вазибалар юзасидан маърузаси тинланди. — Саломатлигимизнинг қадрига етиш тўғрисида жиддий ўйлашимиз зарур, — дейди тиббиёт фанлари доктори З.Исламбекова. — Биз фидойий, матонатли, сабр-бардодли, иррадили, меҳнатдан роҳат оладиган халқимиз! Лекин қилаётган меҳнатимиз, дарфлаётган қувватимиз ўрнини тўлдиришга келганда шиддат билан ўтаётган ҳаётда оила, бола-чақа, турмуш-рўзгор ташвишларини биринчи ўринга қўйиб, ўзимизга келганда озгина бепарво бўламиз. Маърузачи билдирган фикрдан келиб чиқиб, иштирокчилар соғлом турмуш тарзи ҳақида баҳс-мунозараларга киришишди, ўзлариники қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

Комила ИСРОИЛОВА

Имкониятлардан самарали фойдаланиш керак

Бошланғич ташкилотлар фаолияти тизимли йўлга қўйилиши партиянинг катта ютуқларига асос бўлади. Зеро, айнан куйи бўғин орқали сиёсий партия халқ орасига чуқур кириб боради, электротат билан бевосита боғланади. Демак, партия сиёсий куч сифатида ўзини тўлиқ намоён этиши ҳар жиҳатдан уларнинг иши тўғри ташкил этилишига боғлиқ. Ҳақиқатан ҳам электротат манфаатларини ҳимоя қилиш, аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини кучайтириш, партия дастурий мақсадларини амалга оширишда бошланғич ташкилотлар ҳал қилувчи ўрин тутди. Улар қандай фаолият кўрсатиши эса етакчиларнинг сиёсий билими, ташкилотчилик қобилиятига боғлиқ.

Бугунги кунда Хоразм вилоятининг Урганч туманида 15 та БПТ мавжуд бўлиб, улар ўз атрафига 1164 нафар аъзони бирлаштирган. Мансур Ражабов раислик қилаётган "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти 190 нафардан ортиқ аъзоларини замон талабларига ҳамохан тарзда янги қайрат-шижоат билан ишлагани даъват этаётди. Тумандаги энг фаол БПТдан бири — мазкур ташкилот аъзолари асосан зиёлилар ва маҳалла фаолларидан иборат. Қуни кеча мазкур куйи ташкилотда сиёсий ўқув ташкил этилди. — Куйи бўғин имкониятларидан самарали фойдаланиш бугунги кундаги ҳаётнинг муҳим аҳамият касб этади.

Икболлой НИШОНБЕКОВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилояти кенгаши матбуот котиби

"Адолат"ни танлаган


➤ «Ёш адолатчилар» қаноти

Сурхондарё вилоятида етти мингга яқин Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоларининг 40 фоизини жамиятимизнинг фаол, ташаббускор қатлами бўлган ёшлар ташкил этади. Вилоят партия кенгаши ўз фаолиятини билимдон, изланувчан, сафдошларига ўрнак бўлувчи, ислохотларга дахлдорлик туйғусини ҳис этувчи иқтидорли ва фаол ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг солоҳиятларини рўёбга чиқаришга қаратган. Айниқса, улар сафидо катъий ҳаётий қарашларга эга бўлган, ўз келажагини Ватан тақдирини билан ҳамохан қўювчи, спорт турлари бўйича совриндор ёшлар кўпчилигини ташкил этаётгани, қувонарлидир.

Жумладан, эндигина 22 ёшга тўлган фаолларимиздан бири — термизлик Бобур Давлатов спортнинг каратэ-до шотокан йўналиши бўйича бир қатор муваффақиятларга эришди. Дастлаб, отаси Панжи Давлатовнинг маслаҳати билан каратэ тўғрисидаги борганида қалбида бироз ҳадик сезган қахрамонимиз аста-секин мураббий Эркин Тошқулов қўли остида каратэ сир-асрорларидан таълим олиб, катъий тартиб ва интизомга риоя қилиши туфайли спортга бўлган қизиқиши орта бошлади. Мураббийнинг кўрсатмалари асосида етарли кўникмаларни ўзлаштирган, ўз устида тинимсиз ишлаб чиниққан қахрамо-

нимиз дастлаб бир неча бор вилоят, республика босқичидаги мусобақаларида голиблик шохсупасини эгаллаб, устозларнинг ишончини оқлади. Айниқса, умидли спортчимиз 12 ёшдаёқ 3 маротаба Ўзбекистон чемпиони бўлгани таҳлика сазовор. Йилдан-йилга иродаси тобланиб, ўзига ишончи ошган Бобурбек 2004 йил Болгария ва Словенияда ўтказилган халқаро турнирларда 1-ўринни, 2005 йил Италияда 8-16 ёшли ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони, 2007 йил Малайзияда ўтказилган Осие кубоги мусобақасида бош соврин соҳиб бўлди. Қарабасизки, жаҳон ареналарида юртимиз шаънини муно-

Чемпион



сиб ҳимоя қилиб, давлатимиз байрогини юксакларга кўтарган спортчимиз бугун 100 дан ортиқ медаллар шодасининг соҳибидир. Албатта, бу муваффақиятлар замирида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш ва ёш авлод тарбиясига берилаётган катта эътибор мужассам. Зеро, нуфузли халқаро мусобақаларда қатнашган ҳар бир спортчимиз бугун халқимиз ва Юртбошимизнинг доимий эътибори ҳамда ғамхўрлигини ҳис қилиб туради. Бундан руҳланган ёшлар ўз навбатида Ватан олдидаги масъулиятини доимо ёдда тутди.

Спорт ва ўқишни бир маромда олиб бораётган Бобурбекка ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. У айнаи вақтда Термиз давлат университети талабаси бўлиш билан бирга каратэ-до спорт турига қизиқувчи бир қанча ёшларга мураббийлик қилиб келмоқда. — Юртимизда ёшларнинг камол топиши, ўзи истанган касб эгаси бўлиши, ёқтирган машғулот билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Мен ҳам спорт билан шуғулланиш ва таълим олиш билан бирга ўзимда сиёсий жараёнларга бўлган

қизиқишни сездим. "Адолат" партияси дастурида ёшларга жамиятнинг ҳал қилувчи кучи сифатида қаралганлиги, уларни ягона ва эзгу мақсад йўлида тарбиялаш ғоялари илгари сурилганлиги мени унинг сафларига киришга ундади, — дейди қора белбоғ соҳибидир Б.Давлатов.

— Бугун партия ташкилотларининг ёшлар билан ишлаш ва уларни сиёсий жиҳатдан етуқ қилиб тарбиялаш ишларини такомиллаштириши долзарб масалалардан саналади. Шу боис, партия томонидан ёшларнинг фаолигини, дунёқарашини оширишга қаратилган тадбирлар, кўрик-танловлар, сиёсий-маънавий мавзуларда семинар-тренинглар ўтказиш, уларнинг инновацион ғоя ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзида спортнинг ўрнини кенг тарғиб қилишга асосий эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди вилоят партия кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти раиси Акрам Болтаев. — Айниқса, адолат, ҳалоллик, бирдамлик ғоялари ёшларимизни руҳлантирмоқда, зиммаларидаги масъулиятини янада оширишга чорламоқда.

Райҳон ЖУМАЕВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилояти кенгаши матбуот котиби

Келажакка сармоя

Бугун биз тарихий бир даврда — ҳалқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечириётган, авваломбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз.

Ҳар бир миллатнинг келажак-ғани ёшлар белгилади. Ёшларга берилаётган эътибор миқёси миллатнинг савиясини, унинг ривожланиш даражаси қандай бўлишини кўрсатади. Шу маънода, мамлакатимизда ёшларга эътибор нафақат моддий ва маънавий тарафлама, балки уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилаётганлиги билан ҳам ажралиб туради.

Мухтарам Президентимиз раҳномалигида амалга оширилган давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ёшларимизни ҳеч қандам кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялаш, маънавиятини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида гамхўрлик кўрсатишга қаратилгандир.

Истиқлол йиллари мамлакатимизда демократик принципларнинг қарор топиши билан бирга ёшларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга ва ижтимоий кўмак яратишга қаратилган қонун ҳужжатлари тизими шакллантирилди. Конституция ва қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва давлат дастурлари каби ёшларга оид жами 150 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганлиги. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори йилгит-қизларимизнинг



қобилиятини тўла рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, турли маънавий таҳдидларга қарши иммунитетини шакллантиришда муҳим омил бўлаётди. Ортимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда ёш авлодга замонавий билим бериш устувор масалалардан биридир. Хусусан, «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белги-

ланган вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида кўркам ўқув муассасалари бунёд этилиб, жаҳон андозалари асосида жиҳозланди, илғор ахборот технологиялари билан тўлиқ таъминланди. Энг муҳими, ўқувчи-ёшларнинг бугунги талабларга мос билим олишлари учун зарур имкониятлар яратилди. Жумладан, бизнинг университетимиз ҳам замонавий кўёфа касб этиб, сўнгги русумдаги ахборот технологиялари

билан жиҳозланди. Натижада у дунёнинг энг илғор таълим муассасасига айланди. Айниқса, таълим сифати юксалиб, талабалар турли фан олимпиадаларида ўз иқтидорларини намойиш қилиб келишяпти. Қолаверса, уларнинг фандаги ютуқлари давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантириб борилаётди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши биз ёшларнинг хорижий тилларни мукаммал ўрганишимизга замин яратди. Бу бизнинг келажакда ҳеч қандам кам бўлмаган инсонлар бўлиб етишишимизга замин яратди.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаёт барча мақсадларимизни рўёбга чиқаришда асосий омилдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳеч қандам кам бўлмаган авлодга вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар кўксимизни фахр-ифтихорга тўлдирди, бизни янада фаол бўлишга, барча соҳаларда эришилаётган ютуқларга муносиб ҳиссамизни қўшишга руҳлантиради.

Севара ТУРСУНОВА,
Низомий номидоги Тошкент давлат педагогика университети талабаси

Сўранг, жавоб берамиз!

Мен шахсий автомобилимни яқин танишимга мулк ижараси шартномаси асосида бермоқчиман, шунга кўра давлат нотариал идорасига қайси ҳужжатларни тақдим этишим лозим бўлади?

К.Маратов, Жиззах шахри

Сиз шахсий автомобилингизни яқин танишингизга мулк ижараси шартномаси асосида бермоқчи бўлсангиз, давлат нотариал идорасига қуйидаги ҳужжатларни, жумладан, автомобилга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат (нусхаси қолдирилиб, асли қайтариб берилади), ижарага берилаётган автомобилнинг бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмагани ва хатланмагани ҳақидаги маълумотни, автомобилнинг хотинингиз билан умумий биргаликдаги мулк бўлса, хотинингизнинг розилиги, сиз ва ижарага олувчи ўртасида тузилган мол-мулкни топшириш ва қабул қилиш далолатномасини тақдим этишингиз лозим.

Саволга Жиззах шахри 1-сон ДНИ катта нотариуси **Р.ҚҶҚАРОВ** жавоб берди.

Наманган вилоятининг Учқўрғон туманига турмушга чиққанман ва ҳозирда шу ерда доимий яшайман. Отанам Поп туманида яшадади. Ота-онам ўзларига тегишли бўлган бино-иншоот (савдо дўкони Поп туманида жойлашган)ни менга ҳада шартномаси асосида ўтказиб бердилар ва ҳозирда мазкур мол-мулк ҳақиқатда менга тегишли ҳисобланади. Мазкур бино-иншоотни гаровга қўйиб истеъмол кредити олмақчи бўлиб, Учқўрғон туман давлат нотариал идорасига борсам, мол-мулк жойлашган ҳудуддаги давлат нотариал идораси орқали мазкур шартномани тасдиқлашим мумкинлиги ҳақида нотариус ҳуқуқий тушунтириш берди. Мазкур тушунтириш ҳақиқатда асослими?

Н.Абдуллаева, Учқўрғон тумани

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонуни (26.12.1996 йил, 343-сон)нинг 44-моддаси иккинчи қисмига, Нотариус томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010 йил 30 мартдаги 64-мх-сон)нинг 121-бандига мувофиқ, рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкни гаровга қўйиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлашда кўмак мулкни гаровга (ипотекага) қўйиш тўғрисидаги шартнома шу мол-мулк жойлашган ҳудуддаги нотариус томонидан тасдиқланиши лозимлиги белгиланган бўлиши керак. Бундай шартномани нотариал тасдиқлаш пайтида нотариус ипотекага қўйилаётган мулк ипотекага қўйиш шахсга тегишли эканлигини, ушбу шахсга ўтказиш тақиқланмаганилиги ва хатланмаганилиги, бошқа ипотекага қўйилган ёки қўйилмаганилиги, қарзлари йўқлигини, ипотекага олувчи ва ипотекага қўйишчи юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатларини, жисмоний шахсларнинг шахсини ва вакилларнинг ваколатларини албатта текшириши лозим.

Саволга Уйчи туман 1-сон ДНИ катта нотариуси **О.ХОЛБАЕВА** жавоб берди.

Ота-онанинг аризаси бўйича боланинг насл-насабини белгилаш асослари ҳақида маълумот берсангиз?

Умида Раҳимова, Самарқанд шахри

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 61-моддасига асосан, боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахснинг оталиги ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс ва онанинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қўйиш органига биргаликда топширган аризасига биноан белгиланади.

Она вафот этганда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, оталик васийлик ва ҳомийлик органи билан белгилаш ҳолда ўзини боланинг отаси деб тан олаётган шахснинг аризасига биноан белгиланади.

Боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани унинг номидан васийлик ва ҳомийлик органининг руҳсати билан унинг ҳомийси бериши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза боланинг туғилганлигини қайд этиш ҳақида, шунингдек, бола туғилганлиги қайд этилгандан кейин ҳам берилиши мумкин. Агар оталикни белгилаш тўғрисида бола туғилгандан сўнг эр-хотин биргаликда ариза беришининг имкони бўлмаган ҳолда ёки мушкул бўлишини кўрсатувчи асослар мавжуд бўлса, туғилмаган боланинг ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онаси шундай аризани она ҳомилдорлик вақтида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига беришга ҳақли.

Оталикни белгилаш рад этилганда, ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс суд тартибидан шикоят қилиши мумкин.

Саволга Самарқанд шахар 4-сон ФХДБ бўлими мудираси **В.ГАНИЕВА** жавоб берди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари

инсон манфаатларини муҳофаза этишда муҳим аҳамият касб этади

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги вақтда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлардан қўланган асосий мақсад фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини таъминлашдан иборат. Республика-мизда бу борада кенг қамровли ва узоққа мулжалланган дастурларга асосланган аниқ режалар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон демократик ислоҳотлари чукрлаштириш йўлидан борар экан, бу борада энг устувор вазифалардан бири — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, деб белгилаб олинди.

Бу борада қўйилган вазифа-

ларни амалга ошириш ва ислоҳотлар муваффақияти кўп жиҳатдан жамиятда янги вуқудга келаятган муносабатларни тартибга солишга қаратилган мукам-мал ҳуқуқий базанинг яратилган-лиги ҳамда ижтимоий ҳаётда фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминланган-лигига боғлиқдир.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг ишончли механизми шубҳасиз, суд ҳокимиятидир. Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистонда давлат ҳокимияти тақсимлани-шининг реал жорий этилиши том маънода чинакам суд ҳоки-миятининг қарор топишига йўл

очди. Суд тизимини ислоҳ қилишда энг аввало, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Фақат шу ҳолатда судга ки-шилар жазоловчи орган сифа-тида эмас, балки ўз ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожа-ат қиладиган бўлади ва суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақил ун-чинчи тармоғига айланади.

Шу нуқтага назардан 2014 йил 20 январь кунини қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур қонун асосида суд тизими билан боғлиқ қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, эндиликда судьялик лаво-зимига сайланганлиги ёки тайинланганлиги туғайли ишдан озод қилинган шахсларга улар-нинг ваколатлари туғайлидан

кейин судьялик лавозимига сай-ланишига ёки тайинланишига қадар эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилиши бел-гиланди. Бунда иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса аввал-гисига тенг бошқа иш (лавозим) берилиши қайд этилди.

Ушбу қонунда энг аввал Мех-нат кодексига ўз аксини топди. Кодекс «Судьялик лавозимига сайланган ёки тайинланган хо-димларни ишга жойлаштиришда-ги қўшимча қарорлар» номи 69-1-модда билан тўлдирилди.

Бундан ташқари, «Судлар тўғрисида», «Ўзбекистон Респу-бликасининг Конституциявий суди тўғрисида» ҳамда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунларга ҳам юқоридаги ма-сала юзасида тегишли қўшим-чалар киритилди. Жумладан, «Судлар тўғрисида»ги қонунда ваколат мuddатлари туғайли судьяларнинг ўртача ойлик иш ҳақи уларни янги ваколатлари мuddатига қайта сайлаш ёки қайта тайинлаш учун ҳужжатла-

ри қўриб чиқиладиган даврда ёхуд янги иш жойига ишга жой-лаштирилгунча қадар, лекин кўпи билан уч ойгача сақлаб қолини-ши ҳам белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ўзгартишлар Президентимизнинг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий му-ҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда олиб бори-лаётган инсон ҳуқуқлари соха-сидаги ички ва ташқи сиёсат, ўз навбатида, аҳолининг инсон ҳуқуқлари, ва эркинликларига риоя қилиш, янги кўникма ва кадриятларни шакллантириш ҳамда инсон ҳуқуқларига хур-мат-эҳтиром ва унинг умумий-лат даражасида ривожлантири-лишига олиб келмоқда.

Рустам ШУКУРОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг судьяси

Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижроси юзасидан божхона органларида амалга оширилаётган чора-тадбирлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Товарларни давлат тилида маркалаш

Унда Давлат божхона қўмитаси Марказий божхона лаборатория-си бошлиғи Б.Абдуғаниев ишти-рок этиб, юртимизда хориждан келтирилаётган маҳсулотларнинг сифатига жиддий эътибор бериш, сифатсиз ва ноқонуний товарлар кириб келишининг олдини олиш, шу йўл билан аҳоли саломатлиги ва миллий иқтисодиёт барқарор-лигини таъминлаш борасида из-чил ислоҳотлар, кенг қўламли чора-тадбирлар олиб борилаётган-ини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ҳар бир давлат ўз ички бозорини турли йўللار ва усуллар билан ҳимоя қилиши та-биий ҳолат. Жумладан, Президен-тнинг 2013 йил 29 январдаги «Маҳаллий ишлаб чиқарилган ма-ҳсулотлар рақобатбардорлигини янада ошириш ва товарларни но-қонуний олиб кирилишига қарши курашни кучайтириш чора-тадбир-лари тўғрисида»ги қарорига кўра, 2013 йил 1 июлдан бошлаб, рес-публикага олиб кириладиган озиқ-овқат товарлари, шахсий гигиена буюмлари ва бошқа истеъмол то-варларида уларни ишлаб чиқарув-чи корхоналар томонидан қўйил-ган давлат тилидаги товар марк-ировкаси бўлиши шартлиги қатъий белгилаб қўйилди.

Шу мақсадда Вазирлар Маҳма-си томонидан 2013 йил 13 май-да «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб кириши-ни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да»ги қарор қабул қилинди. Унга мувофиқ, 2013 йил 1 июлдан рес-публикага олиб киришда ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан

давлат тилидаги товар маркиро-вкиси қўйилиши шарт ҳисобланган 44 гуруҳдаги озиқ-овқат товарла-ри, шахсий гигиена буюмлари ва бошқа истеъмол товарлари рўйха-ти тасдиқланди.

Рақамларга мурожаат қилсак, 2014 йилнинг ўтган 5 ойи даво-мида республикамизга давлат ти-лида маркировка қилинган ҳолда 812 млн. АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги истеъмол товарлари импорт қилинди.

Афсуски, мазкур тартибларга риоя қилмасдан, истеъмол товар-ларини давлат тилида маркала-масдан туриб, республикамизга олиб киришга уринаётган сохта тадбиркорлар ҳам учраб турибди. Айрим товарлар мисолида тўхталиб ўтадиган бўлсак, маса-лан, жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида республикамиз божхо-начилари томонидан ҳуқуқни му-ҳофаза қилувчи идоралар вакил-лари билан ҳамкорликда аниқла-рида 243 та қонунбузарлик ҳолат-ларида салкам 9,6 тонна спирт, 106 та қонунбузарлик ҳолатлари-да 95,5 минг қутидан ортиқ тама-ки, 1056 та қонунбузарлик ҳолат-ларида 1,5 млн. дондан ортиқ парфюмерия воситалари, 27 та қонунбузарлик ҳолатларида 152 минг дондан ортиқ пиротехника воситалари, 2204 та қонунбузар-лик ҳолатларида 68 минг дондан ортиқ машиини техника буюмлари, 43 та қонунбузарлик ҳолатларида эса 56 минг дондан ортиқ бола-даги ўйинчоқларнинг олиб ўтили-шига чек қўйилди.

А.СОДИҚОВ

Хайрли ташаббус

эзгуликка хизмат қилаяпти

➤ Молия муассасаларида

«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки ўзининг хайрли ва самарали иш фаолияти билан юртимиз иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Банкнинг жойлардаги филиаллари ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш, ўз мижозларининг ишончли ҳамкори ва молиявий мададкори бўлишга саъй-ҳаракат кўрсатмоқда.

Мазкур банк Андижон вилоят филиали кўмагида ўз бизнесини йўлга қўйган ва тадбиркорлик фаолиятини тобора ривожлантираётган юртдошларимиздан бири ўз мамнуниятини қуйидагича изҳор қилди:

— Корхонамизни юртдошларимизга холис хизмат кўра-тиш, камарбаста бўлишдек эзгу ниятларни кўнгилимизга тутиб, 6 йил аввал ташкил этган эдик. Ҳозирги кунда қан-долат, нон ва нон маҳсулот-ларини ишлаб чиқариб, эли-миз дастурхонига янада тўкин-сочин бўлишни таъминлашга ҳисса қўшиб келаяпмиз. Шу ўринда биз билан «Ипотека-банк» Андижон вилоят фили-али доимий ҳамкорлик қилиб келаятганини алоҳида таъкид-лаб ўтмоқчиман. Банк жамоа-си бизни нафақат имтиёзли кредит ажратиб билан қўллаб-қувватляпти, балки ишлаб чи-қариш фаолиятимизни янада кенгайтириш, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни му-ваффақиятли амалга ошириш-

да ҳам бош-қош бўлмоқда. Ху-русан, банк филиали 180 млн. сўм миқдорда кредит ажрат-гач, корхонамиз қуввати яна-да юксалиб, ишлари авж олди, эндиликда ойига 15 млн. сўмлик сифатли нон маҳсулот-ларини ишлаб чиқарилиб, эли-миз дастурхонига, корхона ва ташкилотларга етказиб берил-моқда. Айнан банк кўмагида фақатгина қандолат, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чи-қариш билан чекланиб қолмас-дан, балки бошқа тармоқда фаолият юритишни йўлга қўйдик. Жорий йил биринчи ярмида 90 млн. сўмлик бола-лар кийими, ич кийимлар, бош кийимлари ишлаб чиқаришга эришганимиз, муҳими ички бо-зорни рақобатбардўш миллий маҳсулотлар билан тўлдирши-

га ҳисса қўшаётганимиз банк-нинг молиявий мадади иши-мизни нечоғли жадаллаштир-ган ва кенгайтираётганидан далолатлир. Қолаверса, мам-нуният билан айтишим мум-кинки, болаларимиз учун за-монавий дизайн асосида юқори сифат билан тайёрла-наётган ички ва бош кийимлар ўз харидорини тез топмоқда. Банк жамоасининг маслаҳатла-рига амал қилиб, бозор тала-бидан келиб чиқиб иш юрита-ётганимиз янгидан-янги ютуқ-лар гарови бўляпти. Яна бир қувончли томони, ушбу кредит маблағи эвазига ташкил этган фаолиятимиз туғайли корхона-мизда 10 нафар касб-хунар коллежи битирувчиси иш би-лан таъминланди.

Фурсатдан фойдаланиб тад-биркорларнинг ташаббус, лойиҳаларини астойдил қўллаб-қувватляётган, амалда рўёбга чиқаришга имконият яратиб бераётган «Ипотека-банк» Андижон вилоят филиа-ли жамоасига чуқур ва сами-ий миннатдорчилик билдира-ман. Зеро, айнан уларнинг кўмаги билан ишлаб чиқариш фаолиятимиз кенгайиб, янги-дан-янги иш ўринлари яратил-моқда, аҳоли турмуш фаровон-лиги ошмоқда.

Норғизахон САЙИПОВА,
«Анд Норғиз Фойз» МЧЖ раҳбари

Reklama o'mida

ПРОТЕКА BANK

Ипотека Банки ўзининг хайрли ва самарали иш фаолияти билан юртимиз иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Банкнинг жойлардаги филиаллари ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш, ўз мижозларининг ишончли ҳамкори ва молиявий мададкори бўлишга саъй-ҳаракат кўрсатмоқда.

Пенсия жамғармаси:

назарий-услубий асослар

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кекалик, меҳнат қобили-ятини ёки боқувчисини йўқотишдан сугурта тизими (пенсия таъминоти, шу жумладан, хусусий пенсия таъминоти), кам таъминланган оилаларга ижтимоий тўловлар (болаларга нафақалар), вақтинча иш-ламаётганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш (ишсизлик бўйича на-фақа), аҳолининг айрим тоифала-рига уларнинг моддий таъминоти ва хизматларини ҳисобга олиб, имтиёзлар ва афзалликлар бериш (патронаж хизматлари шаклидаги ижтимоий ёрдам, озиқ-овқат, ёниги бериш ва бошқалар), она-ликни муҳофаза қилиш (туғилган боланинг олдинги ва туғилган кейинги та-тирлиги), соғлиқни сугурта қилди-риш (тиббий сугурта, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик нафақаси), ўқувчи-ёшларни мо-дий қўллаб-қувватлаш (стипендия-лар), ногиронликнинг олдини олиш ва меҳнат қобилиятини тиклаш (ногиронларни реабилитация қилиш, протез-ортопедия марказ-лари) орқали таъминланади.

Пенсия таъминотининг ижтимо-ий нуқтаи назардан муҳимлиги республикамиз фуқароларининг иқтисодий манфаатларига бевоси-та боғлиқлиги билан белгилана-ди.

Ижтимоий кафолатларни мо-лиялаштириш ҳамда иқтисодий муаммоларни бартараф этишда Пенсия жамғармаси муҳим аҳама-ятга эга. Ижтимоий йўналтирил-ган бозор иқтисодиёти, энг авва-ло, инсон манфаатларини қўлай-ди. Бутун ислоҳотлар жараёнида республикамизда аҳолининг ижти-моий муҳофазаси ва уни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва эр-кинликларининг қонунийлик ҳамда ҳуқуқий асосларини шаклланти-риш ҳамда амалга ошириш маса-лаларига жуда катта аҳамият бе-рилди.

Пенсия бўлимларининг ҳўжалик харажатлари ва уларда ахборот технологияларини яратиш хара-жатларини тўлаш учун мажбурий бадаллар ҳамда ижтимоий сугур-та бўйича ажратмаларни тўлаш тартибин бузганлик учун унди-рилган пенсия ва жаримлар сум-масининг Пенсия жамғармасининг махсус ҳисобига тушган маблағ-дан 10 фоизи йўналтирилади.

Хулоса қилиб айтишда бўлсак, мамлакатимизда бюджетдан таш-қари Пенсия жамғармасининг да-ромадларини шакллантиришда ҳамда ҳўжалик юритувчи субъект-лар ва жисмоний шахслар томон-идан амалга оширилаётган тўловларни ўз вақтида бажариш ва ҳисобга олиш ҳозирги кунда та-қомиллашган. Шу билан бирга, ушбу соҳада амалга оширилган чукр ислоҳотлар, уларнинг замо-навий қўрилишларининг амалиёт-га жорий этилаётгани самараси ўларок, республикамизда аҳоли-ни ижтимоий ҳимоялаш масала-ларининг тўғри ташкил этилган-лигиндан далолат беради. Бюджет-дан ташқари Пенсия жамғармаси даромад манбалари бюджет жами маблағларини шакллантиришда ўзига соқ ўрини эгаллаб, бу бо-рада солиқ хизмати органлари иш-тини ташкил этиш ва жиёб-ки-тобларини юритишининг янги ус-лубиятининг ишлаб чиқиши бил-ан ифодаланади.

Шерзод ГАФФОРОВ,
ТМИ магистранти

Дунё аҳли дастурхони тўкинлиги

мақсадли сармоёлар ва инновацион технологияларга боғлиқ

"Дунёга келган чақалоқ аввал эмаллаб, кейин тетапола бўлади. Вазият шундай келдики, Мустанқил Ўзбекистон тугилган кунидек оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди. Ташқи сиевсатда, ташқи савдода мутлақо тажрибаси бўлмаган давлат биринчи кунлардан бошлаб қаерда ютқишиши мумкин, қаерда ютиши мумкин — ана шундай жиддий масалаларни ечишга тўғри келди. Хорижий дунё бозори билан, дунё банклари билан, тижоратчи фирмалар билан алоқа боғлашди. Бу жуда нозик масала. Қайси давлат бизга қанча ва қандай шарт билан сармоё ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиевсий шартлари бўлмайди-ми? Бировдан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмайми? Улар бизга тазийк ўтказмайди-ми? Олган қарз-кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб қолиб кетмайди-ми? Минглаб шундай саволларга жавоб излашга ва топшишга тўғри келди". 1992 йил июлида Юртбошимиз XII қақирини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида сўзлаган нутқида шу фикрларни айтган эди. Орадан 22 йил ўтиб кишлқоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислохотлар натижасида галла етиштириш ҳажми 1 миллион тоннадан 7,8 миллион тоннага етди ва Ўзбекистон галла экспорт қиладиган мамлакатлар қаторидан жой эгаллади.

Аваллари аҳолининг эҳтиёжини қондириш учун 5 миллион тонна бугдой четдан сотиб олинарди. Эндиликда эса галла мустақиллигига эришибгина қолмасдан, сифатли бугдойни кўшиқ давлатларга экспорт қилишга ҳам муваффақ бўлмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир.

Ваҳоланки, 1991 йилгача 74 йил мобайнида Ўзбекистон тақдир ва таъминоти собиқ Иттифоқ қўлида эди. Собиқ Иттифоқ бу ердан маҳсулот ва хомашёни олиб кетиб, бизга сув ва ҳаводай зарур нарсаларни ўз кўрсатмаси билан келтириб беради. Содда қилиб айтганда, пахта ва бошқа бойликларимиз олиб кетиларди, дон, шакар, ёнилғи ва бошқа халқ истеъмоли моллари, умуман, ҳаётимизга, иқтисодийимизга ва халқ хўжалигимизга зарур бўлган маҳсулотлар эса олиб келинарди. Биргина Канада ва Америкадан ҳар йили 40-50 миллион тонна галла сотиб олинар, шунинг ҳисобидан Ўзбекистонга ҳам улуш бериларди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида кўп нарсаларда узиллиш бўлиб, жуда оғир аҳволга тушиб, мамлакат

нақ очарчилик остонасида турар эди.

Ғоят мушкул шароитларга қарамай, ана шундай муаммолар ҳал қилинди. Шубҳасиз, бундай юксак марралар ортида оғир ва муттасил меҳнат, тинчлик ва барқарорликнинг сақлаб қолингани омиллари ётади.


Юртбошимизнинг "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқини тинглаб эканмиз, ҳақонда ва унинг айрим минтақаларида ушбу муаммо билан боғлиқ мураккаб вазият юзага келатганига амин бўламиз. Демак, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳақон ҳамжамияти учун ўта долзарб ва жиддий таҳдидлар қаторида.

БМТнинг Озиқ-овқат ва кишлқоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмапти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар туфайли 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмоқда.

Маълумки, 2008 йилда бошланган иқтисодий инқироз ортидан жаҳон миқёсида озиқ-овқат нархи кўтарилди, унинг таъминотида узиллишлар юзага келгани Осий, Африка ва Лотин Америкасининг кўплаб давлатларида норозилик ва оммавий тартибсизликларга сабаб бўлган, бутун дунёда барқарорликка нисбатан жиддий хавф-хатарга айланган эди.

Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганининг асосий сабаби эканини таъкидлаш жоиз. Бу биринчи навбатда, атроф-муҳитнинг экологик ҳижатдан бузиллиши ҳамон давом этаётгани, тез-тез тақдорланаётган қурғоқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, суғориш учун ерости сувларининг тугаб бораётгани, ирригация, мелиорация ва ерларнинг унумдорлигини қайта тиклашга йўналтириладиган инвестицияларнинг етарли эмаслиги билан боғлиқ.

Қолаверса, иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар ва дунё мамлакатларида тобора авж олаётган нотинчлик, шунингдек, инсон омили билан боғлиқ бошқа муаммолар озиқ-овқат масаласининг долзарблигига сабаб бўлапти. Бизга маълум, жуда кўп мамлакатлар 1940-1970 йиллар ораси-



да яшил инқилобни бошидан кечирган. Самарали тадқиқотлар ва янги технологиялар кишлқоқ хўжалигида ўсишни таъминлади, камбағал мамлакатларда бир миллиард одамнинг моддий аҳолини яхшилади. Шунга қарамай, бугун ҳам қатор давлатлар озиқ-овқат танқислиги, очлик ва қашшоқликка қарши курашишга мажбур. Экспертлар фикрича, кишлқоқ хўжалиги соҳасига етарли ёрдам ва сармоё ажратиш, янги технологиядан фойдаланиш, фермерларни қўллаб-қувватлаш, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига қарши кураш муаммосини ечишнинг бош омилдир.

Дунё аҳолиси ўсишда давом этмоқда. БМТнинг билдиришича, 2050 йилга бориб сайёраимиз аҳли тўққиз миллиардга етади. Демак, озиқ-овқат таъминоти муаммоси янада долзарб бўлашади.

Шубҳасиз, озиқ-овқат деб аталмиш неъматнинг кадр-қиммати ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайди. Яқин 30-40 йилда дунё аҳолиси сони кескин ошиши борасидаги маълумотларга назар ташласангиз, барча халқлар ва мамлакатлар ўзининг фаровонлиги, сосийишта ва бехатар ҳаётини биринчи навбатда ана шу неъматга боғлаётгани эътиборингизни тортади.

Кишлқоқ хўжалиги масалалари бўйича йирик тадқиқотчилар озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг энг самарали йўли экин майдонларини кўпайтириш эмас, балки мавжуд ерлардан оқилона фойдаланиш эканини таъкидлашапти. Юртбошимиз маърузасида ҳам шу фикрлар алоҳида тилга олингани беҳиз эмас. Дунё аҳолисининг кўпайиши ва ривожланаётган давлатларда озиқ-овқат бўлган талабнинг ўсиб бориши натижасида кишлқоқ хўжалиги маҳсулотлари борган сари қимматлашиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотларини у ёки бу даражада экспорт қилишга қодир АҚШнинг айрим аграр соҳага иқтисослашган штатларида қурғоқчилик ва ўрмон ёнгинлари, Европа қитъаси, Япония, Россия, Хитой, Хиндистон каби мамлакатларда

сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар экин майдонларини вайрон қилиб, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг йилдан-йилга ошиб боришига сабаб бўлаётгани ҳам бор гап.

Кейинги йилларда турли сабаблар, ҳатто инжиқ об-ҳаво ҳам дунёнинг асосий кишлқоқ хўжалик минтақаларини мураккаб аҳволга солиб қўймоқда. Натижада халқаро биржаларда дон маҳсулотлари сўнги ўн йил мобайнида 150 фоизга қимматлади. Шакар хомашёси баҳоси эса охириги 30 йил мобайнида мисли кўрилмаган даражада кўтарилди. Маълумотларга кўра, сўнги 11 йилдан бери олтинчи маротаба инсоният ишлаб чиқарганидан кўра кўпроқ истеъмол қилмоқда экан. 2012 йилда АҚШ, Австралия, Украина, Россия ва бошқа озиқ-овқат экспорти билан шуғулланадиган давлатларда ҳосилдорлик чўгининг камайиши глобал очарчилик хавфининг ошишига сабаб бўлди. Дон ва маккажўхори нархлари дунёнинг 25 мамлакатда оммавий тартибсизликларни келтириб чиқарган 2008 йилдаги каби юқори даражада кўтарилган.

Мутахассислар эътирофича, кишлқоқ хўжалиги бир неча ўн йиллар давомида эътиборсиз қолган соҳа ҳисобланади. Ана шу даврда инсонлар мўл ва арзон озиқ-овқатга кўникиб яшаган. Натижада 2008, 2010 ва 2011 йилларда озиқ-овқат нархларининг кескин кўтарилиши бутун дунё аҳолининг "қўзини очди" дейиш мумкин. Ўсиб бораётган дунё аҳолиси учун жуда катта миқдорда, 2050 йилгача эса ҳозиргидан 70 фоиз кўп озиқ-овқат етиштириш лозимлигини энди деярли барча англаб етди.

Муаммонинг ягона ечими мавжуд кишлқоқ хўжалиги ерларидан мўлроқ ҳосил олишнинг янги йўллари, яъни инновацияни жорий этишдир. Мутахассисларнинг фикрича, озиқ-овқат нархларининг кескин қимматлашуви ривожланган давлатларда истеъмолчиларга унча таъсир қилмас ҳам, камбағал мамлакатлар аҳолиси кўпроқ азият чекади. Агар озиқ-овқат нархи 10-20 фоизга ошса, даромадининг

80-90 фоизини озиқ-овқатга сарфлайдиган Африка, Осий ва Лотин Америкасидаги миллиардлаб камбағаллар қийин аҳволга тушиб қолиши аниқ.

Воқеликни чуқур ўрганган иқтисодчилар остонамизда хавф солиб турган жаҳон озиқ-овқат инқирозига сабаб бўлаётган яна бир неча сабабларни тилга олмоқдалар. Улар орасида иқтисодий ва экологик вазият алоҳида ажралиб туради. Зеро, сўнги 50 йилдан бери кишлқоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми ўсгани ҳолда агробизнес услубларининг ўзгармай қолиши нафақат жуда фермерларга, балки атроф-муҳит ва экологик барқарорликка ҳам мисли кўрилмаган даражада зиён етказди. Айни пайтда кишлқоқ хўжалигининг келажги иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларининг қай даражада ҳал этилишига боғлиқлигини ҳам унутмаслик керак. Кейинги 40 йил мобайнида кишлқоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда антропоген технологияларнинг қўлланилиши оқибатида сайёрамиздаги унумдор ерларнинг учдан бир қисми яроқсиз аҳволга келиб қолгани, айниқса, ачинарлидир.

Шунинг учун ҳам аграр соҳани ислоҳ қилиш, уни замонавий, зарарсиз технологиялар билан таъминлаш барча мамлакатлар олдида турган энг долзарб вазифалардан бирига айланди, десак, ҳато бўлмайди. Чунки ер юзи аҳолиси сони кун сайин ошиб борапти.

Хуллас, жаҳон ҳамжамияти яна бир жиддий синов остонасида турибди. Бу, албатта, инсониятни ягона хулосага, аввало, табиат, сув, ноз-неъматлар қадрига етиш, унинг ёзилмаган қонунларига эид тарзда иш юритмасликка, экологияга риоя этиш, халқаро муносабатларда адолатли, ўзаро манфаатларга асосланган сиевсат юритишга қорламоқда.

Дунёда мана шундай мураккаб жараёнлар давом этаётган бир пайтда мамлакатимизда нарх-навоини кескин ўсишига йўл қўйилмаётгани, боз устига, 7 миллион тоннадан ортиқ улкан галла хирмони бунёд этилгани, юртимизда етиштирилган жами ҳосилнинг 60 фоиздан кўпроги фермер хўжаликлари ва аҳолининг иқтиёрида қолдирилгани республикамизда инсоннинг кадр топаётгани, инсон манфаатлари олий қадрият эканининг яна бир нишонасидир.

Энг муҳими, истиқлолнинг ўтган қисқа даври мобайнида Ватанимиз галла мустақиллигини қўлга киритиб, нафақат ўттиз миллионли халқимиз эҳтиёжини тўла таъминлаш, айни пайтда четта дон экспорт қиладиган давлатлар қаторида жой олишга эришгани ҳам эртанги кунимизга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

Биз ёлғиз эмасмиз...

Халқаро астроном ва астробиологлар гуруҳи олиб борган кенг кўламли тадқиқотлар натижаларига кўра, чексиз-чегарасиз Космоснинг фақат Сомон Йўли ҳудудида кўп ҳужайрали организмлар яшаши мумкин бўлган 100 миллиондан ортиқ сайёра мавжуд экан.



"Юраги" бор темиртан

Япониянинг SoftBank корпорацияси 2015 йилнинг февраль ойидан бозорга одамга ўхшаш робот чиқаришини маълум қилган. Эътиборни тортадиган жиҳати шундаки, бу темиртан инсон каби ўз туйғуларини эхзор эта олади ҳамда турли уй юмушларини бемалол бажаради.

Ҳозирча Pepper деб аталаётган одамсимон робот анаглик вазифасини адо этади, оддий суҳбатдош бўла олади, ўз билимининг ошириб боради ҳамда турли хис-туйғуларини ифода қилиш билан бир қаторда инсоннинг ҳиссий ҳолатини аниқ билиб олади. Бундай роботнинг нархи 1900 доллар атрофида бўлади.

Pepperнинг ўзига ҳосилгини изоҳларкан, компания бошлиғи Масайоши Сан, жумладан, шундай деди: — Одамлар шу пайтгача на юраги, на туйғулари бўлган бир уюм темирни робот деб атаб келди. Биз эса инсоният тарихида илк бор инсоний афзалликларга эга роботни яратдик.

Тадқимот маросими чоғи журналистлар олдида чиқиб ўзини кўз-кўз қилган Pepper Масайоши Санга қўлини "қўли" ва ундан раэмий юракни қабул қилиб олди. Шундан кейин робот ва одам ўртасида тўлақонли суҳбат бўлиб ўтди.

Айрим маълумотга кўра, кунчиқар мамлакатда аҳолининг қариши муаммоси жиддий тус олмоқда. Тобора мукамал роботларнинг чиқарилиши эса ишчи кучи етишмаслиги муаммосини қисман ҳал этиши мумкин.



Учар машиналарга буюртма қабул қилинмоқда

Американинг Terrafugia компанияси 2016 йилдан бошлаб учар машиналар ишлаб чиқаришини маълум қилган. Бугунги кунга келиб компания янги маҳсулоти учун юздан ортиқ буюртма олди. Учар машина нархи 279 минг долларни ташкил этади.



Қизик томони шундаки, буюртмачиларнинг асосий қисмини пенсионерлар ташкил қилади. "Бу ўз-ўзидан тушунарли. Уларга болалигида учар машина ваъда қилинган. Нихот энди улар ўз орзуларига эриша оладилар", дея бу ҳолни изоҳлади Terrafugia компаниясининг бош директори Карл Дитрих.

Terrafugia учувчи машина лойиҳаси устида саккиз йилдан бери иш олиб бормоқда. Зеро, шу кунгача мавжуд транспорт воситаларининг биронтаси авионавий одам талабларини тўла қондира олмаган, дейилади компания сайтида. Компания ҳозирча уч кўринишдаги учувчи автомобилни яратди. 2013 йилнинг август ойида эса биринчи учар машина кўкка кўтарилди ва 20 дақиқа мобайнида бемалол осмонни сайр қилиб келди.

Янги транспорт воситаси ҳам ерда, ҳам кўкда юра олади. Автомобиль-самолёт хавфсизлик бўйича барча стандартларга жавоб беради, қўшимча эҳтиёт чораси сифатида эса унга парашют ҳам ўрнатилган.

Яқин йиллар ичида яратиладиган автомобиллар оддий гаражда сақланади, бироқ улар кўкда камиди 500 миль масофани тўхтамасдан учиб ўта олиш қувватига эга бўлади. Ҳайдовчи автомобилни оддий рулда бошқаради, шунингдек, бошқарув "автомат" шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин. Учар машина тезлиги соатига 320 километрга етиши кутулкида.

Машина учиш учун ноқулай об-ҳаво шароитини аниқлай олади, йўлидаги тўсиқларни автоматик тарзда четлаб ўтади, зарурат туғилганда тезлик билан ерга қўнади.

Интернет хабарлари асосида Зилола ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

Велосипедга ўтганларга пул тўланади...



Францияда одамларни велосипедга кўпроқ жалб қилиш ва йўллардаги автомобиллар сонини камайтириш мақсадида кенг кўламли галати бир тажриба бошлангани эълон қилинди. Яъни, жами ходимлари сони ўн мингдан ошадиган учта компания ишга машинада эмас, велосипедда келадиган ходимларга қўшимча пул тўлашга тайёр эканликларини билдиришди.

Тажриба ярим йил давом этади. Бу давр мобайнида машина ва автобусдан воз кечиб, велосипедга ўтган ходимлар босиб ўтган ҳар бир километр масофа учун 25 евроцентдан пул олишади. Тажрибадан мақсад соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш эканлиги ҳам алоҳида таъкидланмоқда.

— Агар тажриба натижалари бизни қониқтирса, велосипедчиларни рағбатлантиришда давом этамиз, — дейди Франция транспорт вазири Фредерик Кювилье.

Мутахассислар бундай ёндашув уй билан иш орасидаги масофани велосипедда босиб ўтишни маъқул қўрадиган фуқаролар сонини

икки баробарга оширади, деб ҳисоблашмоқда. Ҳозирча бундай транспорт воситасини танлаган ходимлар 2,5 фоизни ташкил этади, холос.

Эслатиб ўтамиз, бунга ўхшаш тажрибалар Европанинг кўпгина давлатларида кенг тарқалган. Бу соғлом турмуш тарзини тарғиб

этиш билан бир қаторда атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олади, ёқилги иқтисодида сабаб бўлади. Шу сабабли Нидерландия, Дания, Германия, Бельгия ва Буюк Британияда велосипедчиларга солиқ имтиёзлари жорий этилган ҳамда уларга велосипед сотиб олишлари учун молиявий кўмак берилади.

Мисол учун, Бельгияда бундай тизим беш йилдан бери ишламоқда. Натижада фуқароларнинг 8 фоизи ишга велосипедда боради-кан бўлди. Нидерландияда эса бу кўрсаткич 25 фоизни ташкил этади! Мамлакат пойтахти Амстердамда 40 та велосипед йўлакчалари узунлиги 400 километрни ташкил этади, уларнинг катта қисми махсус белги-

лар ва светофорлар билан жиҳозланган. Даниянинг Копенгаген шаҳрида эса айрим кўчаларда фақат велосипедда юришга рухсат этилади. Шу сабабли шаҳар аҳолисининг 35 фоизи ҳар кун ирталаб ишга айнан велосипедда овланади. Берлинда жами транспортнинг 15 фоизини велосипедлар ташкил этади, аммо иқтисодни яхши кўрадиган одамлар орасида турли даражадаги амалдорлар кўплаб учрайди...

Яна бир янги маълумот. Яқинда инглиз ва чех кашфиётчилари бир-бирларидан бехабар ҳолда учувчи велосипед яратди. Бундай транспорт воситасига алоҳида йўлак ҳам керакмас, ишга етиб бориш эса янада қулай бўлади...

➤ Молия муассасаларида



Кеча Навоий вилоятидаги Нурота туман ижтимоий-иқтисодий коллежида "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки ташаббуси билан шу мавзуда анжуман бўлиб ўтди. "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ўрта махсус касб-хунар таълим маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда вилоят ҳокимлиги, Коллежлар бошқармаси вакиллари, касб-хунар коллежлари раҳбарлари ва коллеж битирувчилари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, "Микрокредитбанк" ўтган давр мобайнида кўплаб юрдошларимизни, айниқса, касб-хунар коллежларини битириб, меҳнат бозорига қадим кўяётган ёшларимизни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш баробарида чекка ҳудудларда ҳам янги-янги иш ўринлари ташкил этилишида ўзининг муносиб ҳиссасини кўшиб келмоқда.

Ўтказилган лойиҳадан кўзланган асосий мақсад ҳам ҳудудлардаги касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, ёшларнинг инновацион лойиҳа ва ташаббусларини иқтисодиётга жорий этишга қаратилган. Бу борада Президентимизнинг "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида "Микрокредитбанк" ОАТБ томонидан вилоят ва туманларда 2013-2014 ўқув йилида касб-хунар коллежларини битириб чиқаятган ёшларни айнан эгаллаган мутахассисликлари бўйича тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари учун бизнес-режалар ишлаб чиқиш ва бошланғич сармоси микрокредитлари ажратиш, пировардида эса доимий иш ўрни яратиш борасида саяё-ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда. "Қамолот" ЕИХ, Ўрта махсус касб-хунар таълим маркази, Савдо-санот палатаси билан ҳамкорликда ёшлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошириб келинаётган "Ёш тадбиркор — юртга мададкор", "Менинг бизнес-гоям"

Ёшларнинг бизнесдаги биринчи қадами

рожаат қилиш тартиблари, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш қоидалари ҳақида битирувчи ёшларга маълумотлар берилди. Шунингдек, юқоридаги лойиҳалар доирасида "Микрокредит" очик акциядорлик тижорат банкидан кредит олиб, ўз бизнесини йўлга қўйган ёш тадбиркорлар ўз тажрибалари ҳақида иштирокчиларга сўзлаб бердилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда коллежларни битириб чиқаятган кўплаб ёшларимиз тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятида банк филиалларига ўз бизнес-режаларини тақдим этмоқдалар. Ўз вақтида ёшларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш ишлари бошлаб юрилган. Бу борада Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга

миқдори 114,9 миллиард сўмга етказилиб, белгиланган прогноз-кўрсаткич 102 фоизга бажарилди.

Бунинг ҳисобига 4 минг 608 та янги иш ўрни яратилди. Таъкидлаш жоизки, "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида банк айниқса, чекка туманлардаги касб-хунар коллежларини битириб чиқаятган ёшларнинг ўз мутахассисликлари бўйича тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 1 минг 584 та ёш тадбиркорга 10,3 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар, шунингдек, жойларда хотин-қизлар тадбиркорлигига 29,4 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Тадбир давомида ёш тадбиркорларнинг банк кредитлари эвазига ишлаб чиқарган маҳсулотлари кўргазмаси ҳам намойиш этилди. Шунингдек, ўзининг пухта бизнес-режаларига эга бўлган оилавий тадбиркорлик субъектларига "Микрокредитбанк" томонидан имтиёзли сармоси олиш учун махсус сертификатлар топширилди.

— Ўшбу лойиҳага ўзининг гўзаллик саломи очиб бўйича тузган бизнес-режа билан иштирок этиб, "Микрокредитбанк"дан 2,8 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш учун сертификатни кўлга киритдим, — деди Нурота маънавий таълим қўмитаси коллежи битирувчиси Шахноза Ёдгоровна. — Ўшбу гоём менда Юртбошимизнинг Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва чекка ҳудудларда ҳам гўзаллик салонлари барпо этиш зарурлиги борасида билдирган фикрларидан сўнг пайдо бўлган эди. Бизнес-режа орқали яна икки нафар дўғонами ҳам иш билан таъминлашни режалаштирганман.



лоийҳалари шулар жумласидандир.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда ёшларга оид давлат дастурини амалга ошириш, бу борада тадбиркор ёшларимиз учун кенг имкониятлар яратиш юзасидан, ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган кенг амалий машғулотлар давомида банк мутахассислари томонидан кўргазмалар воситалар ёрдамида бизнес-режалар тузиш ва тижорат банкларига му-

қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори дастуриламал бўлмоқда. Олиб борилаётган ишлар самараси ўлароқ, банк томонидан жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган жами кредитлар 645 млрд. сўмга, шундан кўрсатиладиган микро-молиявий хизматлар ҳажми 295 млрд. сўмга етказилиши кўзланган. Жумладан, йил бошидан буён муассаса томонидан соҳа субъектларига жами 249,1 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Шундан, имтиёзли микромолиявий хизматлар

Нафиса МИРЗАЛИЕВА

Рад этилган севги боис...

Альфред Нобель номи билан аталувчи халқаро мукофот адабиёт, физика, кимё, тинчлик ва биология соҳаларида кўлга киритилган энг муҳим ютук ҳамда ихтиролар учун 1901 йилдан бошлаб берилади. Швеция банки ташаббуси билан 1969 йилдан бошлаб ўшбу номинациялар қаторига иқтисодиёт йўналиши қўшилган.

Маълумотларга қараганда, Альфред Нобель дастлаб ўз васиятига математикани ҳам қўшган, ammo кейинроқ уни ўчириб, ўрнига тинчлик йўналишини ёзиб қўйган. Баъзи тахминларга кўра, бунга Софья Ковалевская Альфреднинг севгини рад этиб, таниқли математик олим Миттар-Леллерни танлагани сабаб бўлган экан.

Нобель мукофоти, шубҳасиз, нуфузли эътироф, бироқ бу мукофотни олишдан бош тортганлар ҳам йўқ эмас. Шулардан бири Лев Толстой бўлади.

Донолар адолат ҳақида

Яхши одам бўлиш учун адолатсизлик қилмасликнинг ўзи кифо эмас, уни бутунлай истамаслик керак.

ДЕМОКРИТ, қадимги юнон файласуфи

Хатто кўпчилик овоз ҳам адолат ўлчови бўломайди.

Ф.ШИЛЛЕР, немис шоири ва драматурги

ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Таърих ҳайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Нарзинон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Мамалор ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Топшўлат МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вазиқасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ
Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Қўбулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).
Набатчи муҳаррир — Қ.ҚУЛДОШЕВ Набатчи — Фулом ХИДИРОВ.

«Адолатдан кўчириб босиш таҳририят рўхсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Таърихнинг манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
ISSN 2071-5217

info@adolat.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қозғ бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 600. Адади — 9374. Босишга тошйирш вақти — 20.45. Босишга топширилди — 22.45. 1 2 3 4 5

Бохоси келишилган нархда

Qishloq Qurilish Bank

Банк кредитлари натижасида янги иш ўринлари

Юртимизда банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва молиявий барқарорлигини ошириш, аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг унга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда, кўрсатилаётган банк хизматларининг тури ва кўламини кенгайтириш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Зеро, банклар, таъбир жоиз бўлса, иқтисодиётни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади. Бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам молиявий-иқтисодий барқарорлик кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ.

"Қишлоқ қурилиш банк" очик акциядорлик тижорат банки Учкўргон филиали томонидан кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига йўналтирилаётган кредитлар мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишга хизмат қилмоқда.

2014 йилнинг ўтган 5 ойи давомида кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 2,3 млрд. миқдорда кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини ташкил этиши учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган микрокредитлар миқдори 1,2 млрд. сўмга етди. Шу билан бир қаторда, филиал кредитлари ҳисобига 32 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамияти-мизнинг энг муҳим вазифасига, давлат сиёсатининг асосий йўналишига айланган. Айниқ-

са, сўнги йилларда юртимизнинг чекка ҳудудларида ишлаб чиқариш корхоналари сони ортаётгани ҳам амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий натижасидир. Энг қувонарли жиҳати эса, ушбу ишлаб чиқариш корхоналарининг аксарият қисми тижорат банкларининг молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида қилинаётганидир. Хусусан, "Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБ Учкўргон филиали томонидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолига арзон ва сифатли кийим-кечаклар етказиб беришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2009 йилда банкнинг молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган "Тикув Самара" масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунга мисол бўла олади.

— Туманимизда тикувчиликни ривожлантиришни мўлжалладик. Бизнес-режамизни ишлаб чиқиб, "Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБга тақдим этдик. Қисқа муддатда лойиҳамиз ўрганиб чиқилди ва 130 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Ҳозирда тикувчилик цехимизда тажрибали чевар ва шогирд хотин-қизлар иш

билан таъминланиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Корхонамизда ишлаётган ходимларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Хусусан, ўтган йиллар давомида 12 нафар ёш мутахассислар иш билан таъминланган бўлса, шундан 5 нафари коллеж битирувчилари ҳисобланади. 2013 йилда "Тикув Самара" масъулияти чекланган жамияти кредит маблағларидан бандлигини фойдаланган ҳолда 54 миллион сўм миқдорда соф фойда олишга эришди, — дейди жамият раҳбари Дилшод Холмирозев.

Президентимизнинг 2009 йил 28 январда қабул қилинган "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш йўлида амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга лойиқдир. Сабаби, юртимиз аҳолисининг ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатда ишлаб чиқарилган ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ичмам корхоналарни барпо этиш, шу асосда янги иш ўринларини яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида филиал томонидан қарийб 547,7 млн. сўмлик кредитлар ажратилди.

Хулоса қилиб айтганда, "Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБ Учкўргон филиали иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини молиялаш ва бу орқали Наманган вилоятининг иқтисодий салоҳиятини янада оширишда кулай шароит яратмоқда.

Абдуғани СОДИҚОВ

Ҳикматлар олами

Илдиз

Илдизи йўқ кўчат фақат ўтинга ярайди. Боғбон уни бир четга суриб қўяди, кўкарадиган, барг ёзиб, мева тугадиганлари атрофида парвона бўлади. Мураббийлар уларни тингламаётган, ҳаёли бутунлай бошқа нарсалар билан банд "илдизи йўқ" шогирдларга ҳам бошқалар қатори сабоқ беришади, бир нималарни тушунтиришади. Бу ҳаракатларнинг беҳудалигини билиб турса ҳам, боғбон каби, уларни бир четга суриб қўймайди.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар! "Асака" банк (ОАЖ)

қуйидаги корхоналар ва мулкий мажмуаларни сотишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади:

Т/р	Объект номи	Объект манзили	Асосий фаолият йўналиши
1	"Асака Коттон Импекс" МЧЖ	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Саноат майдони.	Тиббий гипроскопик пахта ишлаб чиқариш
2	"Осиё Асака Модел" МЧЖ	Тошкент шаҳри, Гавҳар кўчаси, 124.	Пойабзал ишлаб чиқариш
3	"Қорақўл Асака Текстил" МЧЖ	Бухоро вилояти, Қорақўл шаҳри, Улугбек кўчаси, 3.	Калава ип, трикотаж мато ишлаб чиқариш ва уни бўйаш
4	Мулкий мажмуа	Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Н. Зокиров кўчаси, 114.	Тиббий бинтлар ва жарроҳлик салфеткалари ишлаб чиқариш
5	Мулкий мажмуа	Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли, 40а.	Дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш
6	Мулкий мажмуа	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, "Эски Қовунчи" ҚФЙ, Эксковатор кўчаси, 1.	Мева концентратлари ва шарбатлари ишлаб чиқариш
7	Мулкий мажмуа	Қашқадарё вилояти, Яққабоб шаҳри, Ойбек кўчаси	Калава ип ишлаб чиқариш
8	Мулкий мажмуа	Хоразм вилояти, Боғот тумани, Ўзбекистон кўчаси, 1.	Калава ип ишлаб чиқариш
9	Мулкий мажмуа	Қорақалпоғистон Республикаси, Тўртқўл шаҳри, Қирққиз кўчаси, 3.	Тайёр тикув маҳсулотлари ва трикотаж мато ишлаб чиқариш

Ушбу объектлар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар қуйида кўрсатилган манзилга боришлари ёки телефон рақамлари орқали боғланишлари мумкин.

Мурожаат учун манзил ва алоқа воситалари: Тошкент шаҳри, Муқимий 1-тор кўчаси, 9. Телефон: 120-39-75, 120-39-68, 120-39-84. Факс: 120-39-84. Электрон почта: info@asakainvestment.uz. Хизматлар лицензияланган